

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 19 ноябрь, № 239 (7469) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, дўстлик муҳитини ва кўп миллатли катта ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш руҳида тарбиялаш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидалари турмушга фаол татбиқ этилмоқда, бу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ўзининг ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини эълон қилади ва кафолатлайди.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган бўлиб, у ўз фаолиятини юритмоқда ҳамда жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини изчил амалга ошириб келмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари тақдим этган тенг ҳуқуқ ва имкониятлардан фойдаланиб, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ва ижтимоий соҳада, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали меҳнат қилиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига ва унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва имижини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Амалга оширилаётган устувор йўналишлар суръатини, кенг кўламли демократик ислоҳотларни, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий жиҳатдан эркинлаштириш ва жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларида эришилган салмоқли муваффақиятлар таҳлили Ўзбекистон халқи ягона ғоя — Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича олижаноб мақсадлар ва ғоят муҳим вазифаларга эришишдан иборат ягона мақсад атрофида бирлашганлигини таъкидлаш учун барча асосларни беради.

Шу билан бирга, халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация, дунёда иқтисодий, сиёсий, миллий, диний ва бошқа зиддиятлар кучайиб, ахборот ва кибермаконларида қарама-қарши кураш ортиб бораётган бир шароитда миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида ўз ечимини тақозо этаётган бир қатор долзарб масалалар сақланиб қолмоқда, қуйидагилар шулар жумласидан:

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини янада ошириш;

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## НЕФТЬ ВА ГАЗГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги "Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4388-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, углеводород хомашёси учун геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Ўзбекнефтгаз" АЖнинг **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига (кейинги ўринларда — Давлат геология қўмитаси) қуйидаги функцияларни топшириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин**:

янги углеводород хомашёси конларини очиш учун нефть ва газ истиқболли тузилмаларини аниқлаш ва тайёрлашга қаратилган илмий тадқиқот, регионал геологик-тасвирлаш, геофизик ва бурғилаш ишларини олиб бориш;

республика углеводород хомашёси захираларини жадал ривожлантириш ва қайта тиклаш, янги углеводород хомашё конларини очишни таъминлашга йўналтирилган геология-қидирув ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш.

"Ўзбекнефтгаз" АЖ 2019 йил якунига қадар Давлат геология қўмитасига илмий тадқиқот ва геофизик ишларини олиб боришнинг амалдаги лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда барча мавжуд истиқболли майдонлар, инвестиция блоклари ва углеводород хомашёси конлари бўйича фонд ва бошқа материалларни тақдим этсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

**2020 йилдан бошлаб нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари** Давлат геология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида **етакчи хорижий консалтинг компаниялари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда, геология-қидирув ишларини ташкил қилишнинг халқаро стандартларини татбиқ этиш чоралари амалга оширилади**;

нефть ва газ бўйича илмий тадқиқот, регионал геологик-тасвирлаш, геофизик ва бурғилаш ишлари ҳамда замонавий ускуналар, илмий ҳажмдор технологиялар, дастурий маҳсулотлар, махсус ва автотранспорт техникалари билан жиҳозлаш чоралари нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурларида кўзда тутилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Давлат геология қўмитасининг асосланган ҳисоб-китоблари асосида молиялаштирилади;

(Давоми 3-бетда).

## САЙЛОВ — 2019

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди.**

**Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан "Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.**

2-саҳифага қаранг.

## ОАВ ходимлари сайловга тайёргарлик жараёнлари билан танишди

*Марказий сайлов комиссияси Халқаро матбуот маркази Сурхондарё вилояти бўлими, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Ангор туманида сайловга оид медиа-тур ташкил этилди.*

### Медиа-тур

Иштирокчилар дастлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 77-Ангор округ сайлов комиссияси фаолияти, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнлари билан танишдилар. Округ таркибида 83 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, 63 мингдан ортиқ сайловчилар рўйхатга олинган. Комиссия томонидан бу йилги сайловларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш мақсадида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти.

Медиа-тур қатнашчилари тумандаги 3-умумтаълим мактаби биносида жойлашган халқ депутатлари Ангор тумани Кенгаши депутатлари сайловини ўтказувчи 8-Хўжанқон сайлов округи ҳамда 119-Хўжанқон сайлов участкасида ҳам бўлишди. Бу ерда сайловни очиқ ва ошкора ўтказиш учун зарур шароитлар яратилган.

Шу ернинг ўзида маҳалла аҳолиси вакиллари, жумладан, илк бор овоз берадиган ёшлар билан учрашув ҳам ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, унда белгиланган нормалар, бу йилги сайловлардаги муҳим жиҳатлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Бу йилги сайловлар янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига биноан "Янги Ўзбекистон. Янги сайловлар" шиори остида ўтказиляпти, — дейди Тошкент давлат юридик университети профессори Жуманазар Холмўминов. — Мазкур кодексда сайловни халқаро стандартлар ва принциплар асосида демократик, очиқ-ошкора ҳамда шаффоф ўтказишга хизмат қиладиган ўттиздан ортиқ янги норма ва қоидалар ўрин олган. Шунга кўра, аввалги сайлов қонунчилигига доир 26 та қонун ҳужжати бекор қилинди.

Ҳозирги кунда бутун юртимиз бўйлаб ушбу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида ташкилий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Медиа-тур бу борадаги ишларни кенг жамоатчиликка етказишда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

**Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).**

## Кун воқеалари
### қисқа сатрларда

● Женева шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қийноқларга қарши қўмитасининг 68-сессияси бўлиб ўтди. Унда иштирокчиларга БМТнинг Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенциясини бажариш бўйича Ўзбекистоннинг бешинчи маърузаси тақдим қилинди.

● **Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида иш бошлаган Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида республикамиздаги 1000 га яқин саноат корхоналари 10 мингдан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Халқаро савдо маркази (ITC) биносида эса тармоқ ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган тақдимотлар уюштирилаётгани, "B2B" форматида учрашувлар ўтказиш учун шароитлар яратилгани иштирокчилар учун қўшимча қулайлик бўлди.**

● Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи таъсис этилган кун — 18 ноябрь Жиззахнинг бош майдонидаги 60 метрлик флагштокда давлат байроғи ҳилпиради. Шаҳар марказий кўчаси бўйлаб "Давлат байроғи — фахрим, ғururим" шиори остида яриммарафон ўтказилди.

● **Шу кунларда Озарбайжонда "Ўзбекистон киноси кунлари" ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида икки мамлакат кино усталари ўртасида тажриба ва маҳорат алмашилади.**

● Ўзбекистон давлат консерваториясида "Циндао табриги" номли махсус концерт дастури бўлиб ўтди. ШҲТ мамлакатлари ўртасида маданий алмашувни ривожлантириш, Хитой ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу концерт Хитой хорижий ижро компанияси ҳамда Циндао симфоник оркестри, Циндао шаҳар маданият ва туризм бюроси ва ташқи маданият компанияси ҳамда Ўзбекистон давлат филармонияси кўмагида ташкил этилди.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинганининг 28 йиллиги мамлакатимизда катта байрам сифатида кенг нишонланмоқда.**





Ҳасан ПАЙДОЕВ («Халқ сўзи»), Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

### Шукуҳ

Ҳар бир халқнинг муқаддас тимсоллари — теран илдизларга эгалиги, миллий қадриятлари, орзу-умидлари, ғурур-ифтихори, мустақиллигини ифодалайдиган белгилари бўлади. Ўзини ўша халққа мансуб санаган инсон борки, ана шу муқаддас тимсолларни ор-номуси, ҳаётининг муҳим бир бўлаги, деб билади ва уларни кўз қорачиғидек асраб-авайлайди.

Байроқ — ана шундай муқаддас рамзлардан бири. Шу боис халқимиз истиқлолимиз ва истиқболимиз тимсолига юксак ҳурмат-эҳтиром билан қарайди. Ўғлонларимиз шу байроқ пойида тиз чўкиб, Ватанга муносиб бўлиш учун қасамёд қилади. Қаерда бўлмасин, боши узра баланд ҳилпиратишга интилади.

➔ 4

### Учрашув

## ЯПОНИЯЛИК ИНВЕСТОР НАМАНГАНДА МАКТАБ ОЧМОҚЧИ

*Наманган вилояти ҳокимлигида Япониянинг "Balcom Group" компанияси президенти Тетсуро Ямасака билан бўлиб ўтган учрашув чоғида янги мактаб қуришга келишиб олинди.*

Бир ярим гектар майдонда барпо этилиши режалаштирилаётган мазкур таълим маскани халқаро стандартлар асосида фаолият олиб бориши кўзда тутилган. Замонавий мактаб 525 ўқувчига мўлжалланган бўлади.

Айни пайтда унинг учун ер майдони таклиф этилган ҳудудлар ўрганиляпти. Шундан сўнг "Balcom Group" компанияси билан инвестицион келишув имзоланади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

## СЕНАТНИНГ ТЕГИШЛИ ҚЎМИТАЛАРИ МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН ҲАР БИР ЁШ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

*Самарқанд вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш республика комиссияси раиси Танзила Норбоева иштирокида одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий комиссияси фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов, Сенат аъзолари, вилоят ҳудудий комиссияси вакиллари иштирок этди.*

Йиғилишда мамлакатимизда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани қайд этилди.

Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи Шавкат Раҳмоновнинг таъкидлашича, ҳудудда одам савдосига қарши курашиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Вилоятда мажбурий меҳнат ва одам савдосига қарши курашишда жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, одам савдоси қурбонига айланиб қолишнинг олдини олиш ва бундан жабр кўрганларга ижтимоий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратиляпти, — деди у. — Жорий йилнинг 10 ойида вилоятда одам савдоси билан боғлиқ 8 та ҳолат аниқланган. Шу даврда чет давлатлардан турли сабабларга кўра, депортация қилинган 273 нафар шахс билан якка тартибда профилактик иш олиб борилган. Яъни комиссия аъзолари билан биргаликда уларнинг барча муаммосини ҳал этиш чораси кўрилди.

➔ 4

Давлат бюджети:

## ТЎҚҚИЗ ОЙ САРҲИСОБИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҚОНИҚТИРДИМИ?

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2019 йил 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.*

Кун тартибидаги масала юзасидан молия вазирининг ўринбосари А. Ҳайдаровнинг ахбороти эшитилди.

Ҳисобот даврида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинди. Давлат бюджети барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига маҳаллий бюджетлар даромад базасини мустаҳкамлаш, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, Президент ва Ҳукумат томонидан белгиланган вазифаларни бажариш Давлат бюджети ижросининг устувор йўналишлари бўлди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти қарийб 361,8 трлн. сўмни ташкил этгани ҳолда, ўтган йилдагига нисбатан 5,7 фоиз ўсди. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 107,1 фоизни, аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати 105,2 фоизни ташкил қилди.

➔ 4

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси юртимиздаги муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар сайловолди жараёнларида “Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!” шиори остида янгича ғоя, янгича қарашлар билан фаол иштирок этмоқда.**

**2003 йил 15 ноябрда партиянинг илк таъсис съезди ўтказилган бўлиб, ўтган ўн олти йил ичида ушбу партия уч карра парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловларда етакчи, уч марта партиядан кўрсатилган номзодлар Президент сайловларида ғолиб бўлди.**

**2016 йил декабрда Президент сайловида партиядан кўрсатилган Шавкат Миромонович Мирзиёев номзодини халқимиз якдиллик билан қўллаб-қувватлади.**

**Партия юртимиздаги тинч-осойишта ҳаёт, барча соҳада қўлга киритилаётган ютуқ ва натижалар Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган амалий ишлар натижаси эканини эътироф этади.**

**Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги — миллий юксалиш, яъни мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори поғонага кўтариш босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳада модернизациялаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш асосида Ўзбекистоннинг янги, демократик қиёфаси яратилмоқда. Давлатимиз, эл-юртимизнинг салоҳияти ва куч-қудратига таяниб, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, партия ўз олдига қўйган эзгу мақсадлар сари изчил қадам ташламоқда. Шундай халқчил, шиддатли islоҳотлар даврида партия мамлакатимиз сиёсий майдонида мустаҳкам ўрин эгаллади.**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!

## Сарҳисоб

Бугунги кунда партия мураккаб вазифаларни зиммасига оладиган, мамлакатимиз ва халқимизнинг стратегик манфаатлари йўлида ҳаракат қилишга қодир сиёсий куч сифатида ўзини кўрсатмоқда. Хусусан, **ўтган давр мобайнида партия дастурларида қўйилган мақсад ва вазифалар ижросига қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди**.

Иқтисодиётимизда барқарор юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда, саноат, савдо, қурилиш соҳаларида ривожланиш жадаллашмоқда, ишлаб чиқаришга хорижий инвестициялар, замонавий техника ва технологиялар кенг жалб этилмоқда.

Партия дастуридаги давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича қатор долзарб вазифалар изчил амалга оширилмоқда.

Хусусий мулк ва тадбиркорлик учун кенг шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Макроиқтисодий барқарорлик таъминланмоқда. Валюта бозори либераллаштирилди. Қишлоқ хўжалигида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётининг таянч нуқтасига айланган хусусий секторнинг янада жадал ривожланишига хизмат қилмоқда.

Партиянинг муҳим вазифаси — кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашда бу соҳа ҳиссасини янада ошириш учун қулай шарт-шароит яратиб беришдан иборат.

Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзи ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Бинобарин, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”**.

Ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши ортиб бормоқда. Кейинги йилларда яратилган қулай шароит, хусусий мулк манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик базаси тадбиркорларнинг эркин фаолият олиб бориши учун мустаҳкам замин яратди. Жаҳон банкининг “Doing Business — 2020” рейтингида Ўзбекистон 69-ўринни, “Бизнесни рўйхатдан ўтказиш” кўрсаткичи бўйича эса 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллагани ҳам бунга далолат.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида **“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида 7,2 трлн. сўмдан** ортиқ имтиёзли кредит ажратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **59,1 фоиз**га етди. Республикамизда иш билан таъминланган жами аҳолининг **78 фоизи** хусусий секторда банд.

Тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалалари эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Бунинг учун барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлар, инвестиция лойиҳалари, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар марказида ана шу каби муҳим вазифалар турибди.

Партиянинг хорижда ишлаётган ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ташаббуси давлатимиз раҳбари ва халқимиз томонидан қўллаб-қувватланди. Чет элда меҳнат қилаётган фуқароларимиз оилаларини арзон уй-жой билан таъминлаш, уларга субсидиялар ажратиш ва ҳимоялаш бўйича зарур шароитлар яратилмоқда.

Халқимизни ҳаётдан рози қилиш ва фаровон турмушини таъминлаш борасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Yoshlar — kelajagimiz”, “Беш муҳим ташаббус” каби дастурлар амалга оширилмоқда.

Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Янги шифохоналар, тиббиёт марказлари, оилавий ва хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилмоқда, давлат-хусусий шериклик, хусусий секторнинг иштироки кенгайиб бориши рағбатлантирилмоқда.

Партия давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган кам таъминланган, ногиронлиги бўлган инсонлар, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакилларини ижтимоий ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб келмоқда.

Албатта, ўз вақтида қабул қилинган кўплаб муҳим Фармон ва қарорлар, ҳукуматимизнинг қатъият ва ташаббускорлик билан иш олиб бораётгани ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Бу борада партия депутатлик корпусининг, айниқса, парламентдаги фракциясининг алоҳида ўрни бор. 2015 — 2019 йиллар давомида O‘zLiDeP фракцияси аъзоларининг ташаббуси билан **90 та** қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаоллиги ҳам ошгани сезилмоқда. Улар томонидан **11 057** маротаба эшитув ташкил этилган, **44 035 та** депутатлик сўрови юборилган, **2 290 та** назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилган, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссияларига **5000** га яқин таклифлар киритилган.

**O‘zLiDeP ўз ғоялари тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда.** Бу борада **партиявий лойиҳалар** муҳим ўрин тутмоқда. Сайловлар оралиғида партиянинг “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” томонидан 30 дан ортиқ йирик лойиҳалар амалга оширилди.

**200 дан зиёд ёш олимлар** иштирокида **“Ёш олимлар лигаси”, “Янги авлод кадрлари”** лойиҳалари орқали йигит-қизларимизнинг интеллектуал салоҳиятини намоён этишга кўмаклашилди.

**28 та** олий таълим муассасаси билан ҳамкорлик ҳақидаги меморандум имзоланиб, унинг доирасида **22 321** талаба тўғрисида маълумот шакллантирилди, шундан **860 нафари** O‘zLiDeP таркибига қабул қилинди ва **697 нафари** партиянинг истиқболли кадрлар захирасига киритилди.

Аҳоли яшайдиган пунктларнинг **61 та**сида **“O‘zLiDeP кутубхонаси”** ташкил этилиб, кутубхоналар фонди **63 693 та** китоб билан бойитилди. **“Парламентда менинг ўрним”** мақсадли лойиҳаси орқали ёшларни парламент фаолияти билан яқиндан таништириш, янги қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнига жалб этиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга эришилмоқда. Мазкур лойиҳада фаол иштирок этган **850 нафар** йигит-қиз партиянинг кадрлар захирасига киритилди.

Ёшларни фермерлик ҳаракатига фаол жалб қилишга кўмаклашиш мақсадида партия **“Ёш фермер”** республика кўрик-танловини ташкил этди. Бу кўрик-танловда **14 384 нафар** ёш фермер қатнашди.

Ёшларнинг инновацион ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган **“Start up”** партиявий лойиҳасида ёшлар томонидан ишлаб чиқилган бир қатор инновацион ва истиқболли ғоялар қарийб **16 млрд. сўм** миқдоридаги кредитлар эвазига молиялаштирилди.

Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган **“Бунёдкор аёллар”, “Соғлом оила — мустаҳкам оила”, “Фаровон оила”** каби лойиҳалар, айниқса, **“Ишбилармон аёл” кўрик-танлови** оммавийлиги билан ажралиб турди.

Ушбу лойиҳалар доирасида беш йиллик ҳисобот даврида **19 935 та** тадбир ташкил этилиб, уларда **1 млн. 255 мингдан** ортиқ хотин-қизлар қамраб олинган.

Қисқача айтганда, 2015 — 2019 йилларда бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзолари ўсиши, уларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича бир қатор ижобий ишлар рўёбга чиқарилди.

Шу давр мобайнида партия сафларини сифат жиҳатидан мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланди ва иш сон эмас, сифат тамойили асосида ташкил этилди. Аъзоларни партияга қабул қилиш, янги бошланғич партия ташкилотлари(БПТ)ни тузиш тартиби қайта кўриб чиқилди, партия сафларига аъзоликка қабул қилиш бўйича онлайн тизим яратилди.

2015 йили партиянинг **бошланғич ташкилотлари 9 329 та**ни ташкил этган бўлса, 2019 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, уларнинг сони **12 723 та**га етди. Бу даврда БПТларимиз **3 394 та**га ёки **36 фоиз**га кўпайган. Партия аъзолари сони **248 379 нафар**дан **754 820 нафар**га етди. Партия аъзоларининг сафи деярли **3 баробар** ортган.

Партия аъзоларининг сифат таркибида ўзгаришлар катта бўлди: хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари икки баробар кўпайган ҳолда **215 534 нафар**ни ташкил этмоқда. Партия аъзоларининг **387 515 нафари** ёки **51 фоизи** ёшлардан иборат бўлса, **312 631 нафари** ёки **42 фоиз**ини аёллар ташкил этади.

Қулайликлар яратиш мақсадида партия веб-сайтида онлайн аъзолик жорий этилди, **26 мингга яқин** партия аъзолари бу имкониятдан фойдаланди.

Партия бошланғич партия ташкилотларини кўпайтириб, участкаларни тўлиқ қамраш бўйича вазифаларни уддалади. Ҳозирги вақтда республика бўйича 10 137 та сайлов участкаси бўлса, партияда 12 723 та БПТ бор. Яъни тўлиқ қамраб олиш имконияти мавжуд. Бу эса Қонунчилик палатасига 150 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 831 нафар, шаҳар ва туман Кенгашларига 5 738 нафар депутатликка партия номзодларининг сайловларда муносиб қатнашишини таъминлаш имконини беради.

## Сайловолди дастуридаги 5 та йўналиш бўйича устувор вазифалар

**O‘zLiDeP** Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидаги кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттириш, эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришни ўзига асосий **дастуриламал этиб белгилаб олган.** Шунинг учун ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришга қаратилган **O‘zLiDeP IX съездида тасдиқланган** сайловолди дастуридаги **5 та йўналиш бўйича устувор вазифалар** қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

**БИРИНЧИ ЙЎНАЛИШ:**

— истиқболда изчиллик билан **сайловларнинг пропорционал тизими**га ўтиш, **“Электрон парламент”** ва **“Электрон халқ депутатлари кенгаши”** концепцияларини ривожлантириш;

— бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, “Электрон ҳукумат” концепциясини изчил амалга ошириш;

— **“рақамли ва ахборот жамияти” шаклланиши шароитида давлат ва жамият бошқарувининг барқарорлиги**ни, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўртасида давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш;

— давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, янгича тафаккурга эга ёш авлод кадрларини жалб этиш, бошқарувнинг **инновацион, янада мослашувчан моделларини, шу жумладан, лойиҳа моделини** (Agile, Scrum, Kanban, PRINCE2 ва бошқа) ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

**ИККИНЧИ ЙЎНАЛИШ:**

— судлар мустақиллигини амалда таъминлаш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **ортиқча ваколатларини оптималлаштириш**;

— жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқиш, халқаро амалиётни чуқур ўрганиб, **демократик ва либерал қонунчилик тамойилларига мувофиқ бўлмаган** миллий жиноят қонунчилигимизнинг санкцияларини инсонпарварлик тамойиллари асосида либераллаштиришни изчил давом эттириш;

— адвокатура соҳасига аралашувлардан бутунлай воз кечиш, адвокат мақомини олиш учун қўйилган стажировка муддати ҳақидаги талабни бутунлай бекор қилиш;

— нодавлат нотариатни кенг йўлга қўйиш, нотариатда квота деган эскича, ўзини оқламаган қараш ва тизимдан бутунлай қутулиш, нотариал ҳаракатларнинг масофадан туриб, интерактив — электрон хизмат кўринишидаги фаолият соҳасини кенгайтириш;

— олий юридик таълим даргоҳларини кўпайтириш.

**УЧИНЧИ ЙЎНАЛИШ:**

— тадбиркорликка оид барча қонун ва қонуности ҳужжатларини тўлиқ инвентаризация қилиш ва унификациялаш ҳамда **Тадбиркорлик кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқиш;

— Ўзбекистоннинг **“Бизнесни юритиш”,** глобал рақобатбардошлик, инновациялар, саноатнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 мамлакати қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш, 2030 йилгача иқтисодиётда **саноат улушини икки баробар ошириш**;

— инвестиция фаолиятига оид 10 га яқин қонунларни унификациялаш, инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлашнинг соддалаштирилган тизимини жорий этган ҳолда ягона **Инвестиция кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш**;

— қишлоқ хўжалиги кластерларини, кўп тармоқли фермер хўжаликларини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ишлов бериш, транспортда ташиш ва сотиш (экспорт қилиш) бўйича кичик ишлаб чиқариш корхоналари (“қишлоқ хўжалиги хаблари”) тармоғини ривожлантириш ҳамда **“Кластерлар фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш**;

— жаҳон **“Тўртинчи саноат инқилоби”** арафасида турган бир паллада Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатнинг инновацион тараққиётини жадаллаштириш, **“билимлар иқтисодиёти”** ва **“рақамли иқтисодиёт”**ни ривожлантириш;

— **“Ҳар бир оила — тадбиркор”** деган олижаноб ғояни изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиш, жамиятда фаол тадбиркорлик маданиятини шакллантириш, **“Тадбиркорлар академияси”**ни, соҳага қизиқаётган ёшлар учун эса консалтинг марказларини ташкил қилиш;

**— 2020 — 2025 йилларда республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш**;

— илмий-техник ишланмалар натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилишни тезлаштириш ва инновацион маҳсулотларни халқаро бозорга чиқариш тизимининг барқарор занжирини яратиш ва ривожлантириш мақсадида **“Венчур тадбиркорлиги” ёки “Венчур молиялаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш** ва қабул қилиш;

**ТЎРТИНЧИ ЙЎНАЛИШ:**

— аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш эвазига иш ўринларини яратишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

— ёшларга доир давлат сиёсатини оғишмасдан давом эттириш;

— ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсон бўлиб камол топиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш;

— **профессионал ва хусусий таълим**ни изчил ривожлантириш;

— соғлиқни сақлаш тизимини дунёдаги пешқадам марраларга олиб чиқиш, унинг инновацион ва инсон капиталини кўпайтириш, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида **тиббиёт сифатини тубдан яхшилаш**;

— хусусий мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, профессионал хусусий таълимни янада ривожлантириш **“бутун умр давомида таълим олиш”** концепциясини жорий қилиш;

**БЕШИНЧИ ЙЎНАЛИШ:**

— диний экстремизмга қарши кураш сиёсати, энг аввало, **“Жаҳолатга қарши маърифат”, “Маърифат ва таълим — тинчлик ва бунёдкорлик йўли”** тамойилларини ҳаётга изчил татбиқ қилиш асосида олиб борилишини қўллаб-қувватлаш;

— мамлакатимиздаги турли миллат ва элатлар, фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек асраш;

— юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқларини тенг кафолатлаб, диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш;

— диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари ўзаро ҳамжиҳат яшаши, мавжуд барча конфессияларга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритишига амалий ҳисса қўшиш;

— жамиятимиздаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш.

Сайловга саноқли кунлар қолди. Бу муҳим сиёсий жараёнда ғолиб бўлиш учун O‘zLiDeP ва унинг барча аъзосида етарли имконият, куч ва салоҳият бор. Шу кунларда ҳар бир юртдошимиз, айниқса, бўлажак сайловда биринчи марта қатнашиши кутилаётган 2,5 миллион йигит-қиз O‘zLiDeP партиясига жуда катта ишонч билан қараб турибди. Бу ишончни оқлашдан, юртдошларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, фаровон ҳаёт барпо этиш жараёнида фаол иштирок этишдан каттароқ бахт борми?!

Ўзбекистондек жаннатмонанд юртда яшаш, халқимизнинг бахту саодатига шерик бўлиш, ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир партия аъзоси зиммасига жуда катта масъулият юклайди. O‘zLiDeP сайловолди платформаси учун **“Мақсадимиз ойдин ва унга эришишнинг аниқ йўлларини биламиз”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган эзгу сўзларни шиор қилиб танлагани бежиз эмас. Бугун O‘zLiDeP Ўзбекистоннинг сиёсий саҳнасида энг кўп аъзо ва тарафдорларига эга бўлган, фаровон ҳаётни таъминлашда етакчи роль ўйнайдиган **халқчил партияга айлана олди.** Шундай экан, бўлажак сайловларда партия **754 мингдан зиёд** аъзолари, асосий ғоя ва мақсадларига хайрихоҳ миллионлаб юртдошларига ишонади.

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
***ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши***
***Ижроия қўмитаси Партиянинг дастурий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш ва чуқурлаштириш масалалари ва мафкуравий ишлар бўлими мудири.***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

жамиятда юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича фаолиятни ташкил этиш асоси сифатида жойларда миллатлараро муносабатлар ҳолатини мониторинг қилиш тизими ва механизмларини йўлга қўйиш;

миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш, Ўзбекистон халқининг тарихи ва анъаналарини ўрганиш бўйича таълим, ахборот ва маданий-маърифий чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа ташкилотлар ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги ишларни такомиллаштириш.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ва янада такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. **Қуйидагилар миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:**

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини такомиллаштириш;

миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш, республикамизда яшаб турган турли миллат ва элат вакилларининг тили, маданияти, анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг давлат сиёсатини самарали амалга ошириш учун қўшимча ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

жамиятда кўп миллатли катта оила ҳис-туйғусини, республикамизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувликни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймаслик;

миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ҳамкорликни ва чет мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш, ватандошларни қўллаб-қувватлаш ва хориждаги ўзбек диаспоралари билан яқин ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ва имижини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамиятни ривожлантиришдаги устувор мақсадларни, илғор хорижий тажрибани эътиборга олган ҳолда миллатлараро муносабатларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

2. Қуйидагилар:

**Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси** (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ;

**2019 — 2021 йилларда Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция ва “Йўл харитаси”нинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) томонидан амалга оширилади.

3. Қўмитанинг унинг тузилмасида илмий-амалий тадқиқотлар, методика ва экспертиза бўлими ўрнига юридик шахс тузмасдан, штатдаги ходимлар сони 4 нафардан иборат **Миллатлараро муносабатлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар марказини** ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

**Қуйидагилар ташкил этилаётган Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

миллатлараро муносабатлар соҳасида тизимли асосда илмий, шу жумладан, ижтимоий тадқиқотлар, шунингдек, мазкур йўналишдаги жараёнлар ривожининг мониторингини олиб бориш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий мақолалар, китоблар, илмий тадқиқот материаллари, ахборот-таҳлилий шарҳлар тайёрлаш ва эълон қилиш;

етакчи маҳаллий ва хорижий олимлар, экспертлар ва мутахассислар иштирокида миллатлараро муносабатлар соҳасида илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари, маърузалар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишда хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда Ўзбекистон шароитида ана шу тажрибадан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, жамиятда миллатчилик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш, шунингдек, мазкур соҳадаги хавфсизликка таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш.

4. Қўмита бир ой муддатда:

бошқарув ходимларининг Қўмита зиммасига юкланган вазифаларни профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган, зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга эга малакали кадрлар билан тўлдирилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда давлат органлари ходимларининг, шунингдек, миллатлараро муносабатлар соҳасида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг (улар розилиги билан) малакасини ошириш бўйича махсус курслар ташкил этилишини таъминласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига:

миллий маданий марказларни ривожлантиришга, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашда уларнинг салоҳиятини тўла-тўкис амалга оширишга қаратилган таклифларни тайёрлаш;

миллатлараро тотувликнинг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисида тегишли ахборот, ахборот-таҳлилий ҳужжатлар, ҳисоботлар тайёрлаш ва уларни кейинчалик Қўмитага киритиш вазифалари юклансин.

6. **Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга оширишни таъминлаш бўйича Комиссия** (кейинги ўринларда — Комиссия) **тузилсин ва унинг таркиби** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин**:

жамиятда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодлари, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдидаги тенглигини таъминлашга қаратилган миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва тартибга солиш;

миллатлараро муносабатлар соҳасида ишлар ҳолатининг жойларга чиқиб тизимли ўрганилишини ташкиллаштириш, Концепция ва “Йўл харитаси”ни амалга оширишда Қўмита, шунингдек, вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, қилинган ишлар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини доимий равишда эшитиш.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

2020 йил 1 январга қадар миллатлараро муносабатлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини;

2020 йил 1 февралга қадар миллатлараро муносабатлар соҳасида юзага келиши мумкин бўлган можароли вазиятлар ва ихтилофларнинг барвақт олдини олиш ва уларни профилактика қилиш мақсадида мазкур соҳа ҳолатини мониторинг қилиш тизимини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

8. Қўмита манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

хорижий мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолияти такомиллаштирилишини назарда тутувчи чора-тадбирлар комплексини;

миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатни амалга оширишда уларнинг ролини кучайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Қўмита:

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига;

вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари (бир нусхада) мажбурий тарқатиладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти мажбурий тарқатиладиган реестрга киритилсин.

10. Қуйидагиларга:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарларига — Концепция ва “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши ҳамда **уларнинг амалга оширилиши тўғрисида Қўмитага ҳар чоракда ахборот тақдим этилиши** юзасидан;

давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари — дўстлик жамиятлари раисларига — раҳбарлик қилаётган органлар ва ташкилотларнинг **маъмурий биноларида хизмат хоналари дўстлик жамиятларига беғараз берилиши,** шунингдек, белгилаб қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун барча зарур шароитлар яратилиши юзасидан;

Қўмита раиси Р. Д. Қурбоновга — **Концепция ва “Йўл харитаси” амалга оширилиши тўғрисидаги йиғма ахборот мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда тақдим этилиши** юзасидан шахсан жавобгар эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–2993-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Қўмита манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р. С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 15 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# НЕФТЬ ВА ГАЗГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ОЛИБ БОРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига бурғиланиб, қурилиши якунланган қудуқлар уларни Давлат геология қўмитаси ва унинг ташкилотлари томонидан ер қаъридан муайян фойдаланувчиларга берилгунига қадар солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат геология қўмитасининг “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Ўзбурғунефтгаз” АЖнинг **“Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ**нинг устав капиталларидаги улушларини Давлат активларини бошқариш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Молия вазирлиги, Агентлик ва Давлат геология қўмитаси билан биргаликда 2020 йилнинг 1 июлига қадар геология-қидирув хизматлари соҳаси ва ушбу тармоқдаги рақобат даражасини ўрганган ҳолда 1-иловага мувофиқ Давлат геология қўмитаси таркибига кирувчи давлат корхоналарини Агентликка акциядор (таъсисчи ва иштирокчи) ҳуқуқини бериш орқали қайта ташкил этишни таъминласин.

Давлат геология қўмитаси Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда ҳар бир давлат корхонасини қайта ташкил этиш бўйича тадбирлар режасини уларнинг аниқ муддатлари ва масъул ижрочиларини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин, тасдиқласин ҳамда амалга оширилишини таъминласин.

Белгилансинки, “Ўзбекгеофизика” АЖ, “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ ҳамда қайта ташкил этилаётган давлат корхоналари ўз фаолиятини Давлат геология қўмитасининг ташкилий тузилмаси таркибида амалга оширади.

4. Қуйидагилар белгилансин:

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва “Ўзбурғунефтгаз” АЖнинг “Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖнинг устав капиталларидаги улушларининг Агентликка берилиши баланс қийматида “Ўзбекнефтгаз” АЖ устав капиталидаги давлат улуши камайтирилиши ҳисобига амалга оширилади;

ушбу қарорга асосан бир ташкилотдан бошқа ташкилотга берилаётган ва қабул қилинаётган мулклар, мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан, акциялар ва устав капиталларидаги улушлар барча солиқ турлари бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди;

“Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ акциялари Агентлик эгалигига ўтиши янги сотиб олинган акциялар пакети деб ҳисобланмайди;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларнинг “Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ билан амалдаги шартномалар бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари сақланиб қолинади.

5. Давлат геология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

Давлат геология қўмитаси томонидан бажариладиган **2020-2021 йилларда ер қаърини углеводород хомашёсига геологик ўрганиш ишларининг асосий параметрлари** 2-иловага мувофиқ;

“Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ моддий-техника базасини модернизациялаш ва мустаҳкамлаш учун сотиб олинадиган **замонавий геофизик, лаборатория ва бошқа қурилмалар, дастурий маҳсулотлар, махсус ва автотранспорт техникалари рўйхати** 3-иловага мувофиқ;

**Минерал-хомашё, жумладан, нефть ва газ базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш бўйича фаолиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиш ва тижоратлаштириш йўли билан геология-қидирув ишларини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”** 4-иловага мувофиқ маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Давлат геология қўмитасига ҳар йили тасдиқланадиган минерал-хомашё базасини (шу жумладан, нефть ва газни) ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурларига мувофиқ, шунингдек, ушбу қарор билан топширилаётган функцияларни ҳисобга олган ҳолда маблағ ажратилишини назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги “2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2954-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси минерал-хомашё базасини ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ зиммасига (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) ушбу қарордан келиб чиқадиган топшириқ ва чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилсин.

8. **Амалдаги лойиҳалар доирасида** илгари бошланган параметрик ва излов қудуқларини бурғилаш ишларини тугатиш шарти билан **углеводород хомашёси учун геология-қидирув ишларини лицензия олмаган ҳолда олиб бориш ҳуқуқи “Ўзбекнефтгаз” АЖда** сақлаб қолинсин.

9. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан биргаликда уч ой муддатда:

2020 — 2025 йилларда углеводород захираларини кўпайтиришнинг мақсадли кўрсаткичларини;

тўғридан-тўғри музокаралар натижаси бўйича “Ўзбекнефтгаз” АЖга ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи тегишли лицензияни тақдим этган ҳолда, нефть ва газгеология-қидирув ишлари доирасида у томонидан қудуқларни бурғилаш ишлари амалга ошириладиган истиқболли тузилмалар ва углеводород конларининг рўйхатини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Қуйидагиларга:

**“Ўзбекнефтгаз” АЖга Нефть ва газ минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастури доирасида аввал бошланган лойиҳалар бўйича** “Ўзбекгеофизика” АЖ ҳамда “Нефть ва газ конлари геологияси ва қидируви институти” АЖ билан илмий тадқиқот, тематик, геофизик ва лаборатория ишларини бажариш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ, Давлат геология қўмитаси ва уларнинг таркибига кирувчи ташкилотларга, шу жумладан, акциядорлик жамияти сифатида қайта ташкил этилаётган давлат корхоналарига 2021 йилнинг охирига қадар геология-қидирув ва қўшимча ишларни бажарувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари доирасида тендер савдоларисиз танлов ўтказиш йўли билан давлат харидларини амалга оширувчи пудратчиларни аниқлашга рухсат берилсин.

11. Хорижий инвесторлар томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан илгари тузилган келишувлар доирасида кейинчалик Давлат геология қўмитаси билан ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ҳамкорликни давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун тақдим этилган материаллар ўрганиладиган инвестиция блоклари рўйхати 5-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

хорижий инвесторлар билан келишувлар муддати тугаганидан сўнг инвестиция блоклари ва истиқболли участкалар Давлат геология қўмитаси тасарруфига ўтади;

инвестиция блоклари чегаралари ва майдонлари Давлат геология қўмитаси тасарруфига ўтганидан сўнг инвесторларни жалб этиш жараёнини оптималлаштириш учун бир йил ичида қайта кўриб чиқилади.

12. **2020 йил 1 январдан** қуйидаги механизм жорий этилсин, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Стратегик муҳим турдаги қаттиқ фойдали қазилма конларини геологик ўрганиш ва ўзлаштиришга хорижий инвестициялар жалб қилишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3000-сон қарорида кўрсатилган стратегик фойдали қазилма турлари мавжуд ер қаъри участкаларини фойдаланишга топшириш лицензияларни бериш шаффофлигини таъминловчи аукцион савдолар асосида амалга оширилади;

стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси **геологик тадқиқот учун — имзо бонуси ставкаси** миқдорида, **қазиб чиқариш учун — тижорат топилма бонуси ставкаси** миқдорида қонунчиликда ўрнатилган тартибда белгиланади. Бунда стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси Давлат геология қўмитаси томонидан бажарилган қидирув ва разведка ишлари харажатларидан кам бўлмаслиги керак;

стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи реализациясидан тушган маблағлар аукцион савдоларини ташкиллаштиришга кетган харажатлар чегирилгандан кейин, ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтирилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ишлатилганлиги ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги Давлат геология қўмитасининг ҳисоботи ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилади;

халқаро ташкилотлар ва молия институтларининг техник кўмаги, аудиторлар ва мустақил маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда, шаффоф тартиб-таомиллар асосида тендер ҳужжатларини тайёрлаш ва савдоларни ташкиллаштириш, инвестицион геологик объектларни баҳолаш йўли билан стратегик турдаги фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришга доир инвестиция битимларини тузиш амалиёти қўлланилади.

Давлат геология қўмитаси тасдиқланган минерал-хомашё базасини (жумладан, нефть ва газни) ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурлари бўйича ишларни молиялаштириш учун Давлат геология қўмитасига ажратиладиган йиллик маблағлар доирасида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич қийматини баҳолаш бўйича хизматлар ҳақи тўлови учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **Давлат геология қўмитаси**:

Ишчи гуруҳнинг **ишчи органи** ва илмий тадқиқот ва геофизик ишлар, шунингдек, барча истиқболли участкалар, инвестиция блоклари ва углеводород хомашёси конлари бўйича амалдаги лойиҳалар тўғрисидаги **маълумотларнинг эгаси ҳисобланади**;

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан амалга оширилаётган лойиҳалардан ташқари, салоҳиятли хорижий инвесторлар иштирокида нефть ва газ истиқболли тузилмаларини геологик ўрганиш соҳасида **инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ижрочи орган ҳисобланади**;

нефть ва газгеология-қидирув ишларини олиб бораётган ер қаъри фойдаланувчилари учун умуман республика минерал-хомашё базасини мутаносиб ривожлантириш ва қайта тиклашни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда **углеводород хомашё захираларини кўпайтириш бўйича вазифаларни белгилайди**.

14. Белгилансинки, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек, кончилик муносабатларини бошқариш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Давлат геология қўмитаси билан келишилиши шарт.

15. Давлат геология қўмитасининг марказий аппарати тузилмасида:

ходимларнинг чекланган сони 9 нафардан иборат **Нефть ва газ геологияси бошқармаси**;

ходимларнинг чекланган сони 7 нафардан иборат **Нефть ва газбурғилаш ишларини ташкиллаштириш бошқармаси**;

ходимларнинг чекланган сони 4 нафардан иборат **Харид ишларини ташкиллаштириш бошқармаси** ташкил қилинсин.

Давлат геология қўмитасига ушбу бандга асосан ташкил этиладиган бошқармаларни бутлаш мақсадида қўшимча 14 нафар бошқарув ходимлари штат бирликлари ажратилсин.

**Давлат геология қўмитаси раисининг нефть ва газгеология-қидирув ишларини ўтказиш масалаларини мувофиқлаштирувчи ўринбосари** лавозими киритилсин.

16. Давлат геология қўмитаси марказий аппаратининг янгиланган тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3578-сон қарорида:

10-банднинг учинчи хатбошиси, шунингдек, 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

11-банддаги “339” ва “92” рақамлари тегишинча “391” ва “107” рақамлари билан алмаштирилсин.

18. Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж. А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А. С. Султанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 18 ноябрь

# СЕНАТНИНГ ТЕГИШЛИ ҚЎМИТАЛАРИ МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАГАН ҲАР БИР ЁШ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛАДИ

1 Уларнинг хорижий давлатларга чиқиш йўллари, депортация бўлиш сабаблари ўрганилди. Шунингдек, 34 нафар одам савдоси қурбонига ёрдам кўрсатилиб, улар республика реабилитация марказига юборилди.

Сенат Раиси мажбурий меҳнатга барҳам бериш масалаларига тўхталар экан, бу жаҳон ҳамжамияти олдида мамлакат имижини яхшилаш йўлидаги муҳим омиллардан бири эканлигини айтиб ўтди.

Хорижда ишлаётган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам бериш масалаларида эса Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фақатгина ўзи юборган фуқароларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб, қолган фуқаролар беэътибор қолаётгани алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Мажлисда одам савдоси бўйича жиноят-қидирув ишларини кучайтириш зарурлиги хусусида ҳам сўз юритилди. Бу борада ННТ билан ҳамкорлик қилиш, профилактика инспекторлари учун ўқув курслари ўтказиш, уларни бундай ҳуқуқбузарликларни тезликда аниқлаш ва ўз вақтида эътибор қаратишга ўқитиш таклиф этилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу куни Т. Норбоева самарқандлик ёшлар билан ҳам учрашди. Унда парламент фаолияти, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жорий йил 22 декабрь куни бўладиган сайловлар ҳақида сўз юритилди. Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Сенат Раиси энди ёшлар билан мутлақо янгича иш олиб борилишига урғу берди ҳамда Олий Мажлиснинг юқори палатаси ва ёшлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайдиган "Ёшлар клуби"ни ташкил этиш таклифини билдирди.

— Сенатнинг тегишли қўмиталари Ёшлар иттифоқи билан биргаликда мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир ёш билан ҳамкорлик қилади, — деди Т. Норбоева. — Энг муҳим қарорларимизда ёшлар муаммолари ечимига оид вазифаларни белгилаб борамиз. Бундай кенг кўламли вазифаларни самарали амалга ошириш учун сиз, ёшларнинг бевосита иштирокингиз зарур.

Ёшлар марказида Сенатга ариза йўллаган фуқаролар билан учрашув бўлиб ўтди. Улар билан суҳбатлашиб, мурожаатлари тингланди. Қабул вақтида билдирилган муаммо ва таклифлар юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди. Фуқаролар кўтарган кўплаб масалаларга шу ернинг ўзида ечим топилди.

Иш куни ниҳоясида Сенат Раиси Самарқанд шаҳар ҳокимлигида халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши фаолияти билан танишди. Шаҳар аҳолиси фаровонлигини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, шу йил 22 декабрь куни ўтказиладиган сайловга тайёргарлик масалалари билан қизиқди.

Т. Норбоева Президентимизнинг 80 ёшни қаршилаган "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродовга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**



Давлат бюджети:

# ТЎҚҚИЗ ОЙ САРҲИСОБИ ДЕПУТАТЛАРНИ ҚОНИҚТИРДИМИ?

1 Мамлакатимизнинг ташқи савдо айланмаси 31 млрд. 645,8 млн. АҚШ долларидан иборат бўлди.

2019 йил 9 ойлигида Давлат бюджети даромадлари 79 трлн. 159,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 46,2 фоиз ўсди. Ўз навбатида, Давлат бюджети даромадларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 21,9 фоизга етди.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмиталар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ МИҚДОРИ ОШИШИ МУМКИН

*Олий Мажлис қуйи палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан иккинчи ўқишга тайёрланаётган янги таҳрирдаги "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан фракциялараро мунозара ўтказилди.*

Бу қонун лойиҳаси жорий йил 22 октябрь куни Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. Орадан ўтган давр мобайнида у сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар, экспертлар, иш берувчилар ва кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда, тубдан такомиллаштирилди.

Қонун лойиҳасида ишсизларни кучли ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари, хусусан, ишсизлик нафақаси миқдорини ошириш учун давлат томонидан молиялаштиришни кескин кўпайтириш назарда тутилган.

Лойиҳага кўплаб янги моддалар киритилди. Улардан мақсад — аҳоли бандлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини тубдан ўзгартириш, фуқаролар иш билан бандлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда профессионал меҳнат бозорини шакллантириш орқали кучли ижтимоий ҳимояни таъминлашдан иборатдир.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Акция

## «Меҳрибон юрак»

*Ёшлар иттифоқи Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Меҳрибон юрак» акцияси бошланиб, у турли кўринишдаги юрак хасталигидан азият чекаётган 300 нафарга яқин болаларни вилоятда даволаш, зарур бўлса жарроҳлик амалиёти ўтказиш мақсадида ташкил этилган эди. Ундан жамғарилган ҳомийлик маблағларини бемор болалар муолажаларига йўналтириш белгиланганди.*

Унинг доирасида вилоятда ихтиёрий донорлик, яъни беғараз қон топшириш, бемор болаларни операция олдидан тиббий кўрикдан ўтказиш ва унга тайёрлаш ҳамда бошқа бир қатор тадбирлар ўтказилди.

— Мазкур акциямиз кенг жамоатчиликни бефарқ қолдирмаётганлиги қувонарли ҳол, — дейди Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши раҳбари Жамшид Ходжаев. — Унда йирик тадбиркорлик субъектлари билан бир қаторда хорижда таълим олаётган ёшларимиз, меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳам иштирок этмоқда. Яқинда исми-шарифи ошкор этилмаслиги шарти билан навоийлик тадбиркор 50 миллион сўм маблағи билан мазкур эзгу тадбирга ўз ҳиссасини қўшди.

Жорий йил ниҳоясига қадар саккиз нафар бола юрагида мураккаб жарроҳлик операциясини ўтказиш белгиланган эди. Куни кеча улардан икки нафари вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида операция қилинди.

— Фарзандим туғма юрак нуқсонидан азият чекарди, — дейди нуроталик Амриддиннинг онаси Мунаввар Эрамбоева. — Бироқ оилавий шароитимиз операция қилишга имкон бермасди. Дори-дармон билан бир иложини қилиб, жон ҳовучлаб яшардик. Шукр, мана, операция муваффақиятли ўтди. Энди яна бир ой шифокорлар назоратида туриб, ундан кейин беморлар рўйхатидан чиқарилар экан.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ИСТИҚЛОЛИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ ТИМСОЛИ

1

## Қуёш ёғдусидаги яловлар

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида ўтказилаётган тадбирларда юртдошларимиз, хорижлик сайёҳлар ана шундай шукуҳли лаҳзаларга гувоҳ бўлмоқда.

...Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбони. Бу ерда 150 нафар отлиқ соҳибқироннинг издошидек мағрур саф тортган. Уларнинг боши узра миллий яловимиз қуёшнинг заррин ёғдуларида янада ёрқин ҳилпирайди.

Отлиқлар "Халқлар дўстлиги" санъат саройи олдидаги майдон сари йўлга чиқди. Байроғимизни қўлига маҳкам тутган ҳарбий хизматчиларнинг юзидаги ўктамлик халқимизга ғурур бағишлаган бўлса, ёшларда Ватан ҳимоячиси бўлишдек муқаддас ишга ҳавас уйғотди.

Айни шу дақиқаларда 100 та байроқ кўтарган веломарафон иштирокчилари ҳаракатига ҳам старт берилди. Улар Яшнобод тумани "Ашхобод" боғидан Махтумқули, Абдулла Қодирий, Пахтакор, Ислом Каримов кўчалари бўйлаб "Халқлар дўстлиги" саройи томон юрди.

## Энг баланд байроқ олдидаги тантана

"Халқлар дўстлиги" санъат саройи олдидаги сайилгоҳда ўтказилган тадбир катта тантанага айланиб кетди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар, талаба-ёшлар ва кенг жамоатчилик қатнашган тадбирда миллий байроғимиз мустақил давлатчилигимиз рамзи, халқимизнинг орзу-умидлари, ғурури белгиси сифатида ҳар бир кишининг фахр-ифтихор туйғусини юксалтираётгани алоҳида таъкидланди.

Ушбу майдонда мамлакатимиздаги энг улкан байроқ ўрнатилган. Узунлиги 20 метр, эни 10 метр бўлган миллий ғururимиз рамзи 65 метр баландликда мағрур ҳилпираб турибди. Унга тикилганингиз сари руҳингиз кўтарилиб, Ватанга меҳрингиз юксалади.

— Спортчилар учун Давлат байроғи жуда катта руҳий қувват бағишлашини халқаро мусобақаларда иштирок этганимда янада теран англаганман, — дейди айкидо бўйича Ўзбекистон ва жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Сарвиноз Шайдуллаева. — Чунки у озодлигимиз, ғурур-ифтихоримиз, ор-номусимиз тимсолидир. Уни баланд ҳилпиратиш ҳар биримизнинг энг улуғ орзу-истагимиздир.

Тантанада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари томонидан намойиш этилган чиқишлар тадбирга алоҳида кўтаринкилик бағишлади. Миллий рамзларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғулари улуғланган шеърлар ўқилди, қўшиқлар янгради.



Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## Юксакларда ҳилпирамоқда

Пойтахтимиздаги энг улкан байроқ, юқорида айтганимиздек, "Халқлар дўстлиги" санъат саройи олдидаги сайилгоҳда ўрнатилган. Мирзо Улуғбек ва Махтумқули кўчалари чорраҳасида ўрнатилган Давлат байроғининг баландлиги эса 57 метр.

Нукус шаҳар марказидаги байроқ Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллик тантаналари арафасида ўрнатилган бўлиб, баландлиги 55 метр. Андижонда 64 метрлик махсус устуннинг энг юқори қисмида байроғимиз ҳилпираб турибди.

Бухоро шаҳридаги "Фавворалар майдони" боғида 60 метр баландликда юртимиз рамзи савлат тўкиб турибди. Ана шундай баландликдаги байроқ Самарқанд шаҳрининг Кўксарой майдонида ҳам мавжуд.

Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳри узра 32 метр баландликдаги миллий яловимиз ҳилпирамоқда. Қашқадарё вилояти маркази Қарши шаҳрида флагштокка ўрнатилган байроқнинг баландлиги 44 метр. Навоий шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғидаги салобатли байроқнинг баландлиги тутқичи ва устуни билан биргаликда 62,5 метр.

Ўтган йили Урганч шаҳри марказида жойлашган Амир Темур номидаги истироҳат боғида 60 метр баландликдаги Давлат байроғи ўрнатилган эди. Наманган вилояти Косонсой тумани марказида осмон узра ҳилпираётган байроқнинг баландлиги ҳам 60 метр.

## Кўксимизни безаган ғурур

Юртдошларимиз кўксини давлат байроғи акс этган тасмалар безамоқда. Ушбу акция Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ўтказиляпти.

Мазкур тадбирда таниқли санъат ва маданият намояндалари, ёзувчи ва шоирлар, ёшлар қатнашмоқда. Бу акция пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ҳам бўлиб ўтди.

Ҳарбий оркестр садолари барчани бир даврага жамлади. Ёшлар томонидан юртдошларимиз, хорижлик сайёҳлар кўксига Ўзбекистон байроғи тасвири туширилган тасмалар тақиб қўйилди.

— Миллий ифтихор ва ғурур тимсоли кўксимни безаганидан севиниб кетдим, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Шаҳзода Шомуродова. — Бу қалбимизда ватанпарварлик туйғуларини жўш урдиради.

## «Ҳумо Арена»гача яриммарафон

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан "Давлат байроғи — фахрим, ғуририм" шиори остида ярим марафон ўтказилди. Ушбу тадбир ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда спортни оммалаштириш, давлат рамзларига ҳурмат туйғуларини янада юксалтириш мақсадида ўтказилди.

Тошкент шаҳрининг Ойбек ва Нукус кўчалари кесишмасида старт олган марафон иштирокчилари "Ҳумо Арена" муз саройи майдонида кутиб олинди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— Ушбу спорт беллашувида ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди Ички ишлар вазирлиги Академияси курсанти Моҳинур Ғозиева. — Мазкур тадбирнинг давлатимиз байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилаётганининг аҳамияти катта. Зеро, мустақиллигимиз, миллий ғуруримиз тимсоли бўлган ушбу давлат рамзи ҳар биримизни юксак марралар сари руҳлантиради.

Ички ишлар вазирлигининг ансамбли ҳамда машҳур санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт "Ҳумо Арена" муз саройининг кўча майдонида бўлиб ўтди. Бу ерда ташкил этилган китобхонлар сайли ва идоравий махсус техника воситаларининг кўргазмаси йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида давом этмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ватан байроғи

Полвонлар беллашиб баҳс майдонида
Шоҳсупада мағрур қад керган чоғи, —
Ватан мадҳи янграб ғолиб шаънига,
Бош узра юксалар шу юрт байроғи.

Эл-юрт тақдирига дохил арбоблар
Бир фикрга келгач анжуман қуриб,
Қўл бериб аҳд этар мудом ҳар бобда,
Ватан байроғининг ёнида туриб.

Онадан дунёга келиб, оқибат
Ватан тупроғига кетар ҳар башар.
Ватан байроғию она рўмоли
Бош узра ҳилпираб турса ярашар.

Шундай бир одат бор: отланар экан
Ватанни ҳимоя этмоққа агар,
Отаю онасин дуосидан сўнг
Юрт байроғин ўпар аскар йигитлар.

Қалам ҳам юрт тинчлиги ҳимоясида
Аскар қуролидан асло эмас кам.
Шу боис тиз чўкиб, чин ихлос ила
Юртим байроғини ўпаман мен ҳам.

Заранг оғочидан унинг дастаси,
Матоси ўзбегим оридан бунёд.
О, юртим байроғи, кўнглим нашъаси,
Ҳилпираб порлайвер турганча дунё!

**Саъдулла ҲАКИМ.**

То бошимда шу байроқ бор — кўнглим баланд тоғ бўлди,
Орзуларим гулга кириб, шовуллаган боғ бўлди.

Зулмат босган юрагимга ёғду сочди юлдузлар,
Инжа, нозик ҳилоли ҳам тўлиб, ойдин моҳ бўлди.

Таъзим айлаб, лабим боссам, юксаламан, шу байроқ
Олам узра ҳилпираган кундан вақтим чоғ бўлди.

Ҳурриятнинг шамолида кўркам рақсин кўролмай,
Чўлпон, Фитрат, Қодирийдай зотлар бағри чок бўлди.

Ўроқ-болға зарбасидан сачраган қон доғлари
Эрк туғининг тўлқин-тўлқин эпкинидан пок бўлди.

Қуллик битди. Тождор бўлиб, шу байроқнинг остида
Шоҳсупага чиққан ўзбек ўғлонлари шоҳ бўлди.

Нодир бўлдим мен ҳам элда, оқди севинч ёшларим,
Кўзёшларим рангин шода — мовий, яшил, оқ бўлди!

**Нодир ЖОНУЗОҚ.**

# Қадр-қиммати бебаҳо

*Ўзбекистон байроғи мустақил республикамизнинг биринчи давлат рамзидир. У халқаро муносабатларда мамлакат номини, ўзбек халқи иродасини, ғурури ва қадр-қимматини акс эттиради.*

Сенатор минбари

Давлат байроғидан фойдаланиш ва унга тўғри муносабатда бўлишнинг тартиб ва таомиллари "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган.

Сўнгги йилларда мазкур Қонунга бир неча ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ҳужжат янги таҳрирда қабул қилинди, янги моддалар билан бойитилди. Мисол учун, 5-моддага киритилган ўзгартишларга кўра, нодавлат ташкилотларининг ҳужжатлари ёки реклама материаллари тафсилотларига Давлат байроғининг элементларини киритишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, Давлат байроғининг тасвирини акс эттирувчи белгилар тижорат мақсадларида товарлар, ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш ёки сотишни тарғиб қилиш учун ишлатилиши мумкин эмас.

Аксинча, тарихий қадриятлар асосида яратилган, ўтмиш, бугун ва келажакни акс эттирувчи Давлат байроғини ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Байроғимиздаги мовий ранг тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшилик, донишмандлик, ҳалоллик, шон-шуҳрат ва садоқатни билдиради. Оқ ранг — поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозалиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсоли саналади.

Яшил ранг эса табиатнинг янгиланиш рамзи, навқиронлик, умид ва шодмонлик аксидир.

Байроғимиздаги ой ва ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек халқининг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши рамзи сифатида тушуниш лозим.

Байроғимизнинг юксакларда ҳилпираши эса мамлакатимизнинг тинчлиги, халқимизнинг тотув ҳаёти демакдир. Буни ҳар биримиз чуқур англашимиз, республикамиз миллий рамзларини улуғлашимиз жоиз.

**Хайрулла ҲИКМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6